

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
“Қайта рўйхатга олинган”

2014 йил «23» октябрь



Ўзбекистон психологлар
Ассоциацияси аъзоларининг
конференциясида
“Тасдиқланган”

2014 йил «13» сентябрь

№ 1



ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГЛАР АССОЦИАЦИЯСИННИГ

УСТАВИ

(янги таҳрирда)

Тошкент-2014

ЎЗБЕКИСТОН ПСИХОЛОГЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон психологлар ассоциацияси (бундан буён матнда Ассоциация деб юритилади) ўз аъзоларининг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг ташкилий-ҳукукий шакли жамоат бирлашмаси ҳисобланади.

1.2. Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунлари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар ҳамда мазкур устав асосида амалга оширади.

1.3. Ассоциация ўз фаолиятини ошкоралик, коллегиаллик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида юритади.

1.4. Ассоциация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

1.5. Ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Ассоциация бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

1.6. Ассоциация ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган рамзига, тегишли банкда ўз ҳисоб ва валюта рақамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутика ва реквизитларга эга бўлиш ҳуқуқига эга.

1.7. Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.8. Ассоциация белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида ўзининг юридик шахс мақомига эга бўлган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий бўлимларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Ҳудудий бўлимлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларидан давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг юридик шахс ҳисобланиб, ўз муҳри ва штамтига эга бўлади. Ҳисобга олинган ҳудудий бўлимлари юридик шахс ҳисобланмайди.

1.9. Ассоциациянинг фаолияти номуайян муддатга ташкил қилинган.

1.10. Ассоциация ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради. Давлат, давлат органлари, корхоналари ва муассасалари, таъсисчилари ва иштирокчилари Ассоциациянинг мажбуриятлари ва қарzlари юзасидан жавоб бермайдилар. Худди шунингдек, ассоциация давлат, давлат органлари ҳамда корхона ва муассасалар, шунингдек таъсисчилари ва иштирокчиларининг қарzlари ва мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.11. Ассоциациянинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: Ўзбекистон психологлар ассоциацияси.

Рус тилида: Ассоциация психологов Узбекистана.

Инглиз тилида: Association of psychologists of Uzbekistan.

1.12. Ассоциациянинг жойлашган ери (почта манзили - 100158):
Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Юқори-чирчиқ кўчаси 64-үй.

1.13. Ассоциациянинг жойлашган ери (почта манзили - 100158) ўзгарган тақдирда, бу ҳақда уни рўйхатдан ўтказган органга хабар беради.

II. АССОЦИАЦИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Ассоциация фаолиятининг **асосий мақсади** – Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун марказлашган психологик хизматни яратиш, мутахассис-психологларни фаол амалий ва илмий-амалий фаолиятга жалб килиш, шунингдек, ўз аъзоларининг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

2.2. Ассоциациянинг **мақсадлари** қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикасида психологияни ривожлантириш имконини берувчи кучларни бирлаштириш ва фаолиятни мувофиқлаштириш учун психология соҳасидаги республика мутахассисларини бирлаштириш;

- психология соҳасида меъёрий актларни ва услубий материалларни, жумладан психологларга бўлган касбий талабларни белгилаб берувчи асосий хужжат сифатида амалий психологнинг касбий фаолияти одоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилишда қўмаклашиш;

- манфаатдор ташкилотлар ва муассасаларга, ушбу ташкилотларнинг хусусиятларини эътиборга олган холда, уларнинг ходимларига психологик ёрдам бериш йўлларини белгилашда ёрдам бериш;

- белгиланган тартибда психологик хизматларни бошқаришни ташкил килишни, ахолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий шакллари ва услубларини такомиллаштиришда хукumat ва бошқарув органларига қўмаклашиш;

- шахсий, оилавий ва бошқа психологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича психологик маслаҳат хизматлари ишини ташкил қилиш;

- руҳий касалликларни олдини олиш ва ташхислаш услубларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, эскирган ёки ўзини оқламаган услублардан фойдаланишни тўхтатишида кўмаклашиш;

- психология соҳасида ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш, уларни маҳаллий амалиётга мослаштириш ва татбиқ қилиш;

- бошқа мамлакатларнинг шунга ўхшаш профессионал бирлашмалари ва ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш;

- ўз аъзоларининг касбий манфаатларини давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари олдида намойиш қилиш ва ҳимоя қилиш;

- ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга ходимларни бошқариш ва психологик муҳитни оптималлаштириш масалалари бўйича ташкилий-услубий ёрдам бериш ва зарур маслаҳатлар бериш;

- Ассоциация ва унинг аъзоларининг психология билан боғлиқ бўлган барча тадбирларда иштирок этиши, республикада психологияни мақсадли йўналтирилган тарзда ривожланишини белгилаш ва амалга ошириш учун тегишли лойиҳалар тайёрлаш.

2.3. Ассоциация мақсадига эришиш учун қуидаги **вазифаларни амалга оширади:**

- Ўзбекистон Республикасида, шу жумладан хориждаги психология бўйича ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, мутасадди ташкилотларнинг сўровига асосан ахборотларни тақдим этиш;

- илмий-услубий кенгаш ташкил қилиш;

- илғор психологик муассасалар ва юқори малакали мутахассисларнинг ишларини таҳлил қилиш асосида аҳолига психологик ёрдам беришни такомиллаштириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ассоциация аъзоларини ахборот билан таъминлаш, шунингдек, уларга иқтисодий, ташкилий кўмак бериш, Ассоциация аъзоларига ўзаро ёрдам тизимини ташкиллаштириш;

- психологияни ривожлантиришга бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар, мунозаралар, давра суҳбатларини ташкил қилиш ва ўтказиш, шунингдек уларда қатнашиш;

- Ассоциация аъзоларининг манфаатларини қонунчилик ва ижро органлари олдида ифодалаш;

- давлат ва бошқарув органларига психология соҳасида қонун лойиҳалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

- маърифий фаолиятни амалга ошириш, психологик билимларни тарғиб килиш, соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш;
- ногирон болалар, кўп болали оналар, болалар уйлари, болалар муассасаларининг ривожланишида нуқсонлари бўлган тарбияланувчилари, афғон жангчилари, уруш ва меҳнат фахрийларига хайрия ёрдамини кўрсатиш;
- таълим соҳаларида амалий психологик ёрдам кўрсатишга кўмаклашиш;
- амалиётчи психологлар ва педагогларнинг психологик ҳолатини ўрганиш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида педагогик-психологик кўриклар ташкил этиш;
- хуқуқни муҳофаза қилиш органларида, корхоналарда (ташкилотларда) психологик хизматлар кўрсатиш, семинар, тренинглар, маъruzалар ўтказиш;
- хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тайёрланган қарор ва ажримларга асосан суд психологик экспертизалирни ўтказишга кўмаклашиш;
- белгиланган тартибда мутасадди ташкилотларнинг (олий ва ўртамаксус таълим муассасалари) таклифига биноан ўқув дастурлари ва режаларини тузишда кўмаклашиш, шунингдек, профессионал-ўқитувчи ва бошқарув таркибидаги бўш ўринларни тўлдириш учун ходимларни аттестациядан ўтказиш ва мутахассисларни танлаш учун талаблар ва мезонларни ишлаб чиқиша иштирок этиш;
- белгиланган тартибда индивидуал ва жамоа психологик маслаҳатлар, профессионал маслаҳат ва ташхис ўтказиш, шунингдек, аҳолини ижтимоий маслашишида кўмаклашиш;
- белгиланган тартибда мутахассис-психологлар, шунингдек, кенг миёсдаги аҳолининг ишлари учун зарур бўлган кўргазмали қуролларни, ривожлантирувчи ўйин материалларини, бошқа услубий ва ўргатувчи материалларни тайёрлаш ва тарқатиш.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ Ассоциация мазкур Уставда кўрсатилган мақсад ва вазифаларга алоқадор бўлган бошқа фаолиятларни ҳам амалга ошириши мумкин.

2.5. Маҳсус рухсатнома (лицензия) талаб этувчи фаолият турлари фахатгина мувофиқ лицензия олинганидан кейин амалга оширилади.

III. АССОЦИАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ассоциация белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги хуқуларга эга:

- ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чикиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чикишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ва тегишли лицензия асосида матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- қонунда белгиланган тартибда ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўtkазиш ва бошқа тадбирлар ўtkазиш;
- қонун ҳужжатларига ва ўз уставига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳамда туман ва шаҳарларда ўзининг худудий бўлимларини ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш.
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фонdlарга бошқа тўловлар тўлашда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш;

3.2. Ассоциация қуйидаги мажбуриятларга эга:

- амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этиш ва ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;
- рўйхатдан ўtkазувчи органга ўзи ўtkазаётган тадбирларга ва фаолият билан танишиш учун эркин кириш имконини бериш;
- ўз фаолиятининг натижалари ҳисботини юритиш;
- рўйхатдан ўtkазувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисботлар тақдим этиш.

IV. АССОЦИАЦИЯ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ассоциация мазкур устав қоидаларини тан олувчи барча фуқаролар ва меҳнат жамоалари учун очик. Ассоциацияга якка ва жамоа тартибда аъзо бўлишлари мумкин.

4.2. Ассоциацияга 18 ёшга тўлган, психология соҳасида ёки психологияга тааллуқли бўлган таълим соҳаларида амалий фаолият олиб

борувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролар ва хорижий фуқаролар Ассоциациянинг якка тартибдаги аъзолари бўлиши мумкин.

4.3. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар бирлашмаларининг меҳнат жамоалари Ассоциациянинг жамоа аъзолари бўлиши мумкин.

4.4. Якка тартибдаги аъзолар ёзма равишдаги шахсий аризалар асосида, жамоа аъзолар эса – меҳнат жамоалари мажлиси ёки жамоат ташкилотларининг бошқарув органлари баённомасидан кўчирма асосида қабул қилинади.

4.5. Ассоциацияга аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқиш Бошқарув қарори билан амалга оширилади ва Бошқарув томонидан қабул қилинган Ассоциацияга аъзолик тўғрисидаги Низомда белгиланади.

4.6. Ассоциация аъзолари таркибидан ихтиёрий чиқиш ёзма равишдаги ариза асосида амалга оширилади.

4.7. Кириш ва аъзолик бадаллари микдори ва тўлаш тартиби Бошқарув томонидан белгиланади, Ассоциация аъзолари таркибдан чиқканда ёки чикариб ташланганда кириш ва аъзолик бадаллари қайтариб берилмайди.

4.8. Бошқарув томонидан Ассоциация аъзоларига белгиланган намунадаги аъзолик билетлари берилади.

4.9. Ассоциация аъзоларининг ҳуқуқлари:

- Ассоциация фаолияти тўғрисида маълумот олиш;
- Ассоциация томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;
- Ассоциациянинг бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;
- Ассоциациянинг фаолияти тўғрисида таклиф киритиш, шунингдек, уларни кўриб чиқишда иштирок этиш;
- Ассоциация аъзолигига қабул қилишга рад жавобини олган ёки аъзолигидан чиқарилган аъзолар, бундан норози бўлган тақдирда, бу ҳақдаги шикоят билан Ассоциациянинг раҳбар органига мурожаат қилиш.
- ўз хоҳишига кўра Ассоциация аъзолигидан чиқиш;
- конун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

4.10. Ассоциация аъзоларининг мажбуриятлари:

- таъсис ҳужжатларида ва ушбу уставда белгиланган талабларга амал қилиш ва олган мажбуриятларни бажариш;
- Ассоциация фаолиятини олиб боришга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- Ассоциация томонидан ўтказиладиган кўргазмалар, турли тадбирларда фаол иштирок этиш;
- аъзолик бадаларини ўз вақтида тўлаш;

4.11. Ассоциация аъзолигидан қуидаги ҳолларда чиқарилади:

- Ассоциация аъзолигига қабул қилингандан сўнг уч ой мобайнида аъзолик бадалини тўламаса;
- Ассоциация устав талабларига мунтазам равишида амал қилмаса;
- аъзонинг ўз аризасига биноан;
- аъзонинг вафоти муносабати билан;
- аъзонинг суд томонидан ақлан заиф ёки қисман ақлан заиф деб топилиши муносабати билан;
- аъзонинг Ўзбекистон Республикаси худудидан доимий кўчиб кетиши муносабати билан.

V. АССОЦИАЦИЯНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

5.1. Ассоциациянинг раҳбар органлари қўйидагилардан иборат:

- Конференция;
- Бошқарув;

5.2. Конференция – Ассоциациянинг олий раҳбар органи ҳисобланиб, мазкур Конференция заруратга қараб, аммо **беш йилда** камидан бир марта чакирилади. Навбатдан ташқари Конференция Бошқарув қарори билан ёки Ассоциация аъзоларининг камидан 2/3 қисмининг талаби билан чақирилиши мумкин. Қарорлар худудий бўлимлардан тайинланган делегатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Конференцияда делегатларнинг 2/3 қисми иштирок этганда қарор қабул қилишга ваколатли ҳисобланади.

Ассоциация аъзолари Конференция ўтказилиши тўғрисида ёзма равишида, камидан 30 кун олдин хабардор қилинадилар. Конференцияни чакириш тўғрисидаги хабарномага режалаштирилаётган Конференциянинг кун тартиби киритилиши керак.

5.3. Конференция ваколатларига қўйидаги масалалар киради:

- Ассоциация фаолиятининг истиқболли йўналишларини ҳамда устав максад ва вазифаларини амалга оширилишининг узок муддатли дастурларини тасдиқлаш;
- Ассоциация фаолияти устидан умумий назоратни амалга ошириш;
- Ассоциация уставини тасдиқлаш, унга ўзгартариш ва кўшимчалар киритиш;
- Ассоциация бошқарув раисини ва ўринбосарларини, Ассоциациянинг 9 кишидан иборат Бошқарув аъзоларини **5 йил** муддатга сайлаш;
- 3 кишидан иборат Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини **5 йил** муддатга сайлаш;

- Ассоциацияни қайта ташкил қилиш ва унинг фаолиятини тугатиш тұғрисида қарор қабул қилиш;

- Ассоциация Бошқарув раиси, Назорат-тафтиш комиссиясининг, худудий бўлимлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш, улар бўйича қарорлар қабул қилиш;

Конференция Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ассоциация ~~хужжатларига~~ зид бўлмаган бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиши мумкин.

5.4. Конференциянинг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар Ассоциациянинг бошқа органига ўтказилиши ёки берилиши мумкин эмас.

5.5. Бошқарув – Ассоциациянинг Конференциялари орасидаги доимий фаолият юритувчи органи ҳисбланиб, унинг йиғилишлари бир йилда камида иккى марта ўтказилади. Қарорлар унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан (51%) қабул қилинади.

Навбатдан ташқари Бошқарув йиғилишлари Бошқарув раисининг ёки Бошқарув аъзоларининг 2/3 қисми талаби билан чақирилади.

5.6. Бошқарув қуидаги ваколатларга эга:

- навбатдаги ва навбатдан ташқари Конференцияларни чақириш, уларнинг кун тартибини белгилаш, шунингдек, Конференция қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

- йиллик бюджет, фойда ва ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш, Ассоциация мулкини бошқариш;

- Ассоциациянинг худудий бўлимларини ташкил қилиш ва фаолиятини тутатиш тұғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, уларнинг белгиланган тартибда худудий адлия органларида рўйхатга олинишини таъминлаш;

- Ассоциация худудий бўлимларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, худудий бўлимлар тұғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

- Ассоциациянинг худудий бўлимлари раҳбарларини 5 йил муддатга сайлаш;

- Уставда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил қилиш тұғрисида қарор қабул қилиш;

- тадбиркорлик тузилмаларининг раҳбарларини сайлаш;

- иш режалари, ходимлар жадвали, ходимларга иш ҳақи тўлаш фонdlарини тасдиқлаш;

- Ассоциация аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш, кириш ва аъзолик бадалларини тўлаш тартиби ва ~~хажмонини~~ белгилаш, аъзолик билетининг ягона шаклини тасдиқлаш;

- Ассоциациянинг рамзини тасдиқлаш;

Бошқарув Ассоциация Конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

5.7. Ассоциациянинг Назорат-тафтиш комиссияси:

- Ассоциациянинг молиявий-хўжалик фаолияти, маблағларни мақсадли сарфланиши устидан назоратни Конференция томонидан З кишидан иборат таркибда, 5 йил муддатга сайланган назорат-тафтиш комиссияси амалга оширилади.

- Назорат-тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари Ассоциациянинг бошқа фоилиятларида қатнашишлари, бир вақтнинг ўзида бошқарув ва раҳбар органлари таркибига киришлари мумкин эмас.

- Назорат-тафтиш комиссияси режа асосида, бир йилда камидан бир марта, шунингдек Конференция ёки Бошқарув қарорлари асосида режадан ташкири тафтиш қиласи ёки шартнома асосида аудитор жалб этади.

- Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолиятини амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар ва мазкур устав асосида амалга оширади.

- Назорат-тафтиш комиссияси фаолияти юзасидан ҳисоботлар Конференцияда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

5.8. Ассоциация бошқарув раиси Конференция томонидан 5 йил муддатга сайланади.

5.9. Ассоциация бошқарув раиси қўйидаги ваколатларга эга:

- Ассоциациянинг жорий фаолиятига раҳбарлик қиласи; Ассоциациянинг мажлисларида раҳбарлик қиласи;

- Ассоциация номидан Конференция, симпозиум, форум ва бошқа турли тадбирларда иштирок этади;

- Ассоциациянинг молиявий ва бошқа хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлиб, Ассоциация мол-мулки ва пул маблағларини мустақил тасарруф этади;

- Ассоциация фаолиятини яхшилаш ва юритишга оид лойиҳалар ишлаб чиқади ва Конференция муҳокамасига тақдим этади;

- Ассоциациянинг Конференция ва Бошқарув органлари қарорлари ижросини назорат қиласи ва бажарилишини таъминлайди;

- Ассоциациянинг манбаатларини ишончномасиз ифодалайди, шунингдек, Ассоциациянинг бошқа ходимларига ишончномалар беради, бэнкларда ҳисоб ва валюта ракамларини очади;

- ўз ваколатлари доирасида буйруқ ва кўрсатмалар беради; - меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимларни ишга олади ва ишдан бўшатади;

- жисмоний ва юридик шахслар билан шартнома ва битимлар тузади; - Раис ўрнида бўлмаган вақтларда ёки ўз вазифасини бажариш имкони бўлмаганда унинг вазифаси Бошқарув қарорига биноан унинг ўринбосарларидан бирига топширилади;

- Конференция ва Бошқарувнинг мутлақ ваколатига киритилмаган барча масалалар бўйича мустақил қарорлар қабул қиласди ва фикрни амалга оширади.

VIA АССОЦИАЦИЯНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАНБАЛАРИ

6.1. Ассоциация ва унинг худудий бўлимлари ўз фаолиятларини олиб борашлари учун бинолар, туарар-жой фонди, транспорт воситалари, орттехника, асбоб-анжом ва бошқа мулклар, пул маблағлари ва бошқаларга зотлик килишлари мумкин, шунингдек Ассоциация ва унинг таркибидаги бўлимлар ва бошқа тузилмаларнинг мулклари Ассоциацияниг умумий мусави хисобланади;

6.2. Ассоциация мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилар:

- кириш ва аъзолик бадаллари;
- ташкилотларнинг ва алоҳида фуқароларнинг ихтиёрий равишда берган ҳамийлик маблағлари ва мулклари;
- уставга асосан семинарлар, маъruzалар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ўtkазишдан тушган маблағлар;
- Ассоциация таркибида тузилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятлардан тушадиган даромадлари;
- давлат томонидан ажратилган субсидия ва грантлар, ижтимоий буюртмаларни бажаришдан олинган даромадлар;
- нашриётчилик фаолиятидан олинган маблағлар;
- конунларда таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

VII. АССОЦИАЦИЯ ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИ

7.1. Ассоциация Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманларда белгиланган тартибда адлия органларидан рўйхатдан ўказиладиган ўзининг юридик шахс мақомига эга бўлган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий бўлимларини ташкил этади.

Ассоциацияниг ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятларини мазкур Устав ҳамда Бошқарув томонидан тасдиқланган Ассоциацияниг ҳудудий бўлимлари тўғрисидаги низомга асосан амалга оширадилар.

7.2. Ассоциацияниг ҳудудий бўлимларини тузиш, ташкил этиш ва улар фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳудудий бўлимларининг раҳбар органлари ваколатлари ва уларни

~~ассоциации~~ тартиби худудий бўлимлар тўғрисидаги низомда
боситланади.

VIII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

~~8.1.~~ Ассоциация ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда
~~рўйхатдан~~ ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда
~~хисоботлар~~ тақдим этади.

~~8.2.~~ Ассоциация қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар,
~~бюджетлар~~ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарга тўловлар тўлайди,
~~шундек~~ имтиёзлардан фойдаланиш ҳукуқига эга.

IX. АССОЦИАЦИЯ УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

~~9.1.~~ Ассоциация уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
Конференция карори асосида унда иштирок этатган делегатларнинг ярмидан
~~кўнглигидан~~ овози билан амалга оширилади.

Конференция қарори делегатларнинг 2/3 қисми иштирок этган тақдирда
~~хисобланади~~ ҳисобланади.

~~9.2.~~ Ассоциация уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар
Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қайта рўйхатга
~~олингандан~~ сўнг юридик кучга эга бўлади.

X. АССОЦИАЦИЯ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ, ТУГАТИШ ТАРТИБИ

~~10.1.~~ Ассоциацияни қайта ташкил этиш Конференция қарорига биноан
~~борчланиш~~, қўшилиш, бўлиниш, ажralиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан
~~хисобланади~~ оширилади.

Ассоциацияни қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган
~~тартибда~~ амалга оширилади.

~~10.2.~~ Ассоциацияни тугатиш делегатларнинг камида 51% овози билан
Конференция қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

~~10.3.~~ Ассоциацияни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган Конференция
Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

~~10.4.~~ Ассоциацияни тугатиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган
~~тартибда~~ амалга оширилади.

~~10.5.~~ Ассоциация тугатилганда кредиторларнинг талаблари
~~хисобланадан~~ кейин қолган мол-мулк Ассоциация аъзолари (қатнашчилари),

рекбэр органларнинг аъзолари ёки Ассоциация ходимлари ўртасида
мумкин эмас. Ундан устав мақсади йўлида ёки хайрия
фойдаланилади.

Ассоциация бошқарув раиси



X.T. Maxmudova

13

ВАРАКА ТИКИЛГАН, РАКАМ КҮЙИЛГАН

